Ушбу сонда:
2 — *Масала кўндаланг қўйилади* ГАЗ ТАРМОҒИГА НОҚОНУНИЙ УЛАНГАН
3 — TV—ДАСТУРИ
4 — *Санъат* ТОШЛАРДА АКС ЭТАР ОЛАМ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 18 октябр, жума №165 (1382)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ПОЛЬША РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Польша Республикаси Президенти Александер Квасьневский 2002 йил 20-23 октябр кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.***

***Ташриф давомида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва ривожлантириш истиқболлари ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама этиш, шунингдек, қатор муҳим битимларни имзолаш режалаштирилмоқда.***

*Ижтимоий ҳимоянинг устувор йўналиши*

## КЕЧАГИ ИШСИЗ — БУГУН ТАДБИРКОР

***Аҳолини ижтимоий муҳофазалашнинг устувор йўналишларидан бири меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашдир. Бу муаммони бартараф этишда меҳнат бозори катта самара бераяпти. Мулкчиликнинг турли шаклларида фаолият кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар эса бўш иш ўринлари ва вакант лавозимларга муносиб ходимлар топишга эришди. Мана бир неча йилдирки, Гулистон шаҳри ва Мирзаобод туман меҳнат бўлимлари ҳамкорликда меҳнат ярмаркаси ташкил этишаяпти. Бу эса иш ахтарувчиларни танлаш имкониятини кенгайтирмоқда.***

— Гулистонда саноат, Мирзаободда аграр соҳа ривож топган. Ҳамкорликда ташкил этилаётган меҳнат ярмаркалари ҳар икки ҳудуд аҳли учун ҳам катта фойда бераяпти, — дейди Сирдарё вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Қўчқор Ҳасанов. — Айниқса, кейинги пайтларда тадбиркорлик субъектларининг меҳнат бозоридаги фаол иштироки янги иш ўринлари яратиш имконини бермоқда.

Навбатдаги меҳнат ярмаркасида Гулистон шаҳридан таклиф этилган 68 та корхона ва ташкилот иштирок этди. Шу куни 127 нафар фуқаро ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди. 31 нафар фуқаро қайта ўқитишга жўнатилди. 15 нафар иш ахтарувчи эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди.

Мирзаобод туман ташкилот, корхона ва хўжаликлари 75 та бўш иш ўринларини таклиф этишди. Меҳнат бўлимига иш сўраб мурожаат қилган 37 нафар фуқаронинг 23 нафари шу куннинг ўзидаёқ ишга жойлаштирилди. 2 нафар фуқарога ишсизлик нафақаси тайинланди. Эътиборга молик томони шундаки, кечаги ишсиз бугун тадбиркор, омилкор, ҳатто у ўз корхонасига асос солиб, иш ўринлари яратмоқда. Шу ўринда бир мисол. Тумандаги Беруний номли фермер хўжалиги аъзоси Дилбар Охунова ҳам бир муддат ишсиз қолди. Аммо тиниб-тинчимас аёл қўл қовуштириб ўтирмади. Изланди, интилди. Ниҳоят «Шарофат шамс» кичик корхонасига асос солди. Тадбиркор аёл вилоят уюшмаси қошидаги «Барака» кредит иттифоқидан кредит олиб, уч дона «Зингер» русумидаги тикув машинаси харид қилди. Уч нафар аёлни иш билан таъминлади. Бежирим либослар, зардўзлик маҳсулотлари ишлаб чиқара бошлади. Олинган фойда ҳисобидан «Устоз-шогирд» мактаби ташкил этилди. Меҳнат бўлими билан ҳамкорликда корхона қошида уч ойлик ўқув курслари ташкил этилди. Берунийлик қизжувонлар тикувчилик ва зардўзлик сир-асрорларини ўрганишмоқда.

— Ҳамширалик бўйича таълим олгандим. Аммо муносиб иш тополмай уйда ўтириб қолдим, — дейди мирзачўллик Гулнора Бозорбоева. — Меҳнат бозорида иштирок этиб, мутахассислигим бўйича марказий шифохонада ишлайдиган бўлдим. Ҳамкасбим «Тошкент» маҳалласида яшовчи Наргиза Пармонова ҳам шу куни ишга жойлашди.

Меҳнат бозорида туман марказий шифохонаси, ижтимоий иқтисодий касб-ҳунар коллежи, туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси, халқ таълими бўлими, хусусий тармоқ вакиллари фаол иштирок этдилар. Ярмаркада 400 нафарга яқин кишига меҳнат қонунлари, ишга жойлаштириш, фуқаролик бурч-кафолатлари ва бошқа кўплаб ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар берилди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ШВЕЙЦАРИЯ ПАРЛАМЕНТИ ВАКИЛЛАРИ ЮРТИМИЗДА

Швейцария Конфедерацияси Кантонлар кенгаши (парламентнинг юқори палатаси) раиси Антон Коттье бошчилигидаги делегация вакиллари 17 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Эркин Халилов билан учрашди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон-Швейцария алоқалари ҳар томонлама ривожланаётгани алоҳида таъкидланди. Мамлакатларимиз ўртасида имзоланган ҳужжатлар икки томонлама ҳамкорликнинг деярли барча соҳаларини қамраб олгани бунинг учун яхши асос бўлаётгани диққатга сазовордир.

Учрашувда икки мамлакатнинг барча соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш, хусусан, Ўзбекистон билан Швейцариянинг қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйиш, айни кунда икки томонлама дастурлар ижросининг бориши ва истиқболда амалга оширилиши мумкин бўлган қўшма лойиҳалар хусусида фикр алмашилди.

Шу куни швейцариялик меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Рустам Азимов билан учрашди. Музокара чоғида томонлар мамлакатларимизнинг ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш борасидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

## ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ

Нукус шаҳри юбилейи арафасида «Ўзпахтасаноат» уюшмаси буюртмасига биноан қуриб битказилган 20 оилага мўлжалланган беш қаватли турар-жой биносида ҳовли тўйлари нишонланди.

Замонавий меъморчилик андозаларига мос, шинам ва барча қулайликларга эга бўлган иморат қурилишида 386-механизациялашган кўчма жамланма қурувчилари 228 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди.

**(ЎзА).**



Муборак пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамияти бу йилги мавсумни катта тайёргарлик билан бошлади. Етиштирилган ҳосилни қабул қилиб, қайта ишлаш учун барча воситалар сифатли таъмирланиб, шай ҳолга келтирилди. Корхона бу йил 35000 тонна хом ашё қабул қилиб, қайта ишлайди. Айни пайтда жамоада 400 нафар ишчи меҳнат қилади.

***Суратларда: пайвандловчи Ҳужжат Хонсеваров; ишчилар Қурбон Аралов; Музаффар Ёрқулов ва жамият раиси Баҳром Юсуповлар ҳосил сифатини кўздан кечирмоқда.***

**Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар.**

*Фермер, пудратчи ҳақ-ҳуқуқини қай даражада билади?*

## РАСМИЯТЧИЛИК УЧУН ТУЗИЛГАН ШАРТНОМАЛАР

***Тошкент вилояти ҳудудидаги 203 та жамоа хўжалигидан ҳозирча 191 таси ширкат хўжалигига айлантирилди. Ушбу жамоаларда фермерлар, пудратчи-деҳқонлар билан тайёрлов ҳамда қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги ўзаро муносабатлар меъёрий ҳужжатлар асосида қандай йўлга қўйилган? Шартнома шартлари бажарилишидан томонлар қаноат ҳосил қилишаяптими?***

Вилоят адлия бошқармаси мутахассислари томонидан долзарб масала атрофлича ўрганиб чиқилди. Натижада пухта, икки томон манфаати ўз ифодасини топган меъёрий ҳужжатлар билан бир қаторда расмиятчилик учунгина тузилган, турли камчиликлардан иборат шартномалар ҳам борлиги аниқланди. Кузатув жараёнида 113 та хўжаликда имзоланган 38 минг 402 та ички, 35 минг 855 та оила пудрати, 2547 та ижара шартномалари таҳлилдан ўтди. Ажабланарлиси шуки, кўп ўринларда хўжаликларнинг мулкий жавобгарлиги белгиланмаган, қишлоқ хўжалик корхоналари ички хўжалик шартномалари мониторингини юритиш тартибига риоя этилмаган, ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмаган, шунингдек, ваколати бўлмаган шахслар томонидан имзоланган 25. 616 та шартнома мавжудлиги равшан бўлди.

Энди айримлари хусусида атрофлича тўхталайлик. Чиноз туманидаги С.Раҳимов номли ширкат хўжалигидаги 147 та, Янгийўл туманидаги «Ниёзбоши» ширкатида тузилган 204 та шартномаларда ялпи маҳсулот қиймати, пудратчига белгиланган иш ҳақи ва ҳар ойда бериб бориладиган аванс миқдори ўз ифодасини топмаганлиги аниқланди ва тақдимномалар киритиш йўли билан хатоларга барҳам берилди.

Расмиятчилик учун қабул қилинган шартномалар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида ҳам рўйхатдан ўтказилган. Бир нарса кишини ажаблантиради: кўп ўринларда ноз-неъмат етиштирувчи манфаатлари «эсдан чиқарилган». Масалан, Тошкент туманидаги Т.Мирзаев номли, Чиноздаги С.Раҳимов номли, Юқори Чирчиқ туманидаги «Олға», Зангиота туманидаги «Наврўз» ширкат хўжаликларида пудратчилар билан имзоланган шартномаларда негадир хўжаликларнинг мулкий жавобгарлиги белгиланмаган. Бу шуни кўрсатадики, ҳали фермерлар, пудратчилар ўз ҳақ-ҳуқуқларини кутилган даражада яхши билмайдилар. Ёки яхши билсаларда, уни ҳимоя қила билишда қатъиятлик, изчиллик кўрсата олмаяптилар. Бундай кайфият кимларгадир қўл келмоқда.

Юқорида келтирилган қонунбузарлик ҳолатлари бўйича тегишли тақдимномалар хўжаликларнинг раҳбарларига юборилди ва шартномаларга тегишли ўзгартиришлар киритилди. Шунингдек, 4279 та ички шартномада белгиланган «Шартномани ширкат хўжалиги томонидан бир томонлама бекор қилиш ва ерни қайтариб олиш ҳақида»ги шартлар меъёрий ҳужжатлардан чиқариб ташланди. 5 мингдан ортиқ ҳужжат ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Мустақил Ўзбекистонимизда қонун устувор. Кимда ким унга суянмаса, қонунни четлаб ўтишга уринса охир оқибат қоқилади. Қонунбузарликни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўрмаган боқибеғам раҳбару мутахассислар эса, афсуски анчагина. Масалан Юқори Чирчиқ,Тошкент ҳамда Зангиота туманларидаги 10 та хўжалик раҳбари Ўзбекистон республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг тегишли моддасига биноан жавобгарликка тортилиб, улардан жарималар ундирилди.

Таҳлил шуни кўрсатдики, айрим хўжаликлар томонидан нотўғри жарима ундириш ҳолатлари ҳамон учрамоқда. Адлия бошқармаси мутахассислари бундай шароитда ундирилган маблағларнинг пудратчиларга қайтариб берилишини таъминлашмоқда. Шу ўринда ҳаётий мисол келтирсак: Бўка туманидаги «Қашқадарё» хўжалиги бошқарувининг кенгайтирилган йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорга кўра шартнома бандларини бажармаган олти нафар пудратчидан 29 минг сўм ундирилган. Лекин шартнома бандларининг бажарилмаслигида хўжаликнинг айби, яъни насос билан сув чиқариб суғориш учун тегишли ускуналарни ўрнатиб бермаганлиги ҳисобга олинмаган. Шунинг учун хўжалик томонидан ундирилган пуллар пудратчиларга қайтарилди.

Оила пудратини ривожлантиришда, ҳисоб-китоб ишларини йўлга қўйишда чек тизимини тўла ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Масаланинг моҳиятига чуқур кириб бормаслик,билим ва тажрибанинг етишмаслиги туфайли ушбу масалада ҳам баъзи жойларда нўноқликка йўл қўйилмоқда. Мана бунга нима дейсиз: «Чиноз» ширкат хўжалигида буғдой етиштирувчи 113 нафар пудратчига тарқатилган чек дафтарининг 11 тасида 2001 йилнинг октябр-ноябр ойларида берилган амофос ўғити учун чек варақалари пудратчилар томонидан эмас, балки негадир бош пудратчи Р.Отажонов қўли билан тўлдирилган. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар изчил олиб борилмоқда. Бунинг самараларини кўпгина тармоқларда кўриб турибмиз. Бироқ ҳамон эскича иш юритаётган, номигагина меъёрий ҳужжатлар қабул қилаётган хўжаликлар, корхоналар ҳамон учраётир.Чиноздаги Охунбобоев номли хўжаликда бригада бошлиғи, унинг ёрдамчиси штати ҳалигача сақлаб қолиниб, пудратчилар фаолиятига раҳбарлик қилиш шу ходимлар воситачилигида амалга оширилаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Адлия ходимлари йўл йўлакай бундай камчиликларни бартараф этдилар, раҳбару мутахассисларга тегишли йўл-йўриқ, маслаҳатлар бердилар.

Вилоят адлия бошқармаси ташаббуси билан амалга оширилаётган юқроридаги каби саъй-ҳаракатлар фермерлар, пудратчиларга ҳақ ҳуқуқидан унумли фойдаланишни ўргатишдан ташқари адолатни тиклаш, катта миқдордаги маблағнинг тежалишига ҳам хизмат қилмоқда.

**Абдуқаҳҳор САТТОРОВ,**
**Тошкент вилоят адлия бошқармаси хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бўлими бошлиғи,**

**Темур ХАЙДАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Ташриф арафасида*

## ШАРҚИЙ ЕВРОПАДАГИ ҲАМКОРИМИЗ

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, кўплаб хорижий давлатлар билан дипломатия муносабатлари ўрнатди, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйди. Ватанимиз мустақиллигини 1991 йилнинг 27 декабрида, биринчилар қаторида тан олган Польша Республикаси билан ҳам ана шундай муносабат шаклланганига 10 йилдан ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1995 йил 11-12 январ кунлари Польшага буюрган расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик тараққиётига тамал тошини қўйди. Ушбу ташриф давомида Польша билан Ўзбекистон ўртасида Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган эди.

Шарқий Европанинг 312 минг 683 квадрат километрини банд қилган Польша ушбу минтақа мамлакатлари орасида биринчи бўлиб иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга киришган давлатдир. 1990 йилнинг январида Польша туб бозор муносабатларига ўтишни бошлади. Иқтисодий ислоҳотлар йўли сифатида танланган дастур 1989 йилнинг сентябрида ҳукумат тепасига келган Лешек Балцерович режаси номи билан мамлакат тарихига кирган.

Мазкур режа билан, мамлакат бозор муносабатларига ўтишнинг ривожланган давлатларга синалган йўлидан боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Иқтисодиётга хорижий сармоя жалб қилишга жиддий эътибор берилгани ишлаб чиқаришни юксалтирган омиллардан бири бўлди. Ислоҳотлар даврида чет эл сармоядорлари иштирокида 7 мингдан зиёд катта-кичик саноат корхонаси ишга туширилди. 90-йилларнинг ўрталарига келиб, Польша хориждан сармоя жалб қилиш бўйича Европада биринчи ўринга чиқди.

Қирқ миллион нуфузли Польша Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки ёрдамида миллий валюта қадрсизланишининг олдини олишга эришди. Бундай муваффақиятда 1993 йили рўй берган сиёсий ўзгаришларнинг таъсири катта бўлди. Кўпчиликни ташкил қиладиган поляк фермерлари ва ишчилари Польша Деққонлар партияси (ПДП) ва Сўл демократик кучлар иттифоқини ёқлаб чиқди. Натижада мамлакат Сейми ПДП раҳбари Валдемар Павлякни Бош вазир этиб тайинлади.

460 нафар депутатдан иборат Сейм Польша парламенти - Миллий ассамблеянинг қуйи палатаси ҳисобланади. Юқори палата бўлмиш Сенатда эса 100. депутат фаолият кўрсатади. Ҳар икки палатани Польша парламентаризмининг тарихий анъаналарига кўра Маршаллар бошқаради.

Европа иттифоқи мамлакатлари билан тўла интеграциялашув йўлини тутган Польшанинг иқтисодий турғунликдан халос бўлишида хусусий секторни ривожлантиришнинг ҳиссаси катта. Ялпи миллий маҳсулотнинг 50 фоиздан ортиғи хусусий корхоналар ҳиссасига тўғри келиши фикримизнинг далили бўлиши мумкин.

1999 йилнинг 12 мартида НАТОга аъзо бўлган Польша ЕХҲТ ва БМТ доирасидаги тадбирларда ҳам фаол иштирок этади. Бу борада ЕХҲТнинг Демократик муассасалар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Варшавада жойлашгани ҳам талай имкониятлар яратиши табиий.

Гап демократик муассасалар ҳақида кетар экан, Польша ва Ўзбекистон парламентларининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллари -Омбудсман идоралари ўртасидаги алоқаларга 1999 йилда асос солинганини айтиб ўтмоқ керак. 2002 йилнинг 25 февралида Тошкентда имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага асосан бу икки идора мунтазам ўзаро тажриба алмашиб туради.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳарбий соҳада ҳам самарали кечаяпти. Бунга Ўзбекистон билан Польшанинг турли халқаро лойиҳа ва дастурлар доирасида яқин алоқа ўрнатгани, хусусан, НАТО тадбирларидаги ҳамкорлик яққол мисол бўла олади. Польша миллий мудофаа вазирининг шу йил июн ойида юртимизга келгани мамлакатларимиз мудофаа маҳкамалари ўртасидаги ҳамкорлик янада ривожланиб бораётганидан далолат беради. Музокара якунида Ўзбекистон ҳамда Польша мудофаа вазирликлари ўртасида ҳарбий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Ҳозир «Тонг-Эсо», «Натал-Гўзал», «Комел», «Токра» сингари кўплаб Ўзбекистон-Польша қўшма корхоналари фаолият кўрсатаётган, «Будимекс», «Полимпекс Цекоп» каби йирик фирмалар ваколатхоналари ишлаётган бўлса-да, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилаяпти, деб айтиш қийин. Масалан, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик саноати бўйича ҳамкорлик соҳасида кўпгина масалалар ўз ечимини кутиб турибди.

Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Польша Республикаси Президенти Александер Квасьневскийнинг мамлакатимизга расмий ташрифи чоғида икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича қатор ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Ўзбекистон учун Шарқий Европада ўз мавқеига эга, минерал заҳираларга бой, тошкўмир ҳамда олтингугурт экспорт қилишда дунёда етакчилик қиладиган Польша билан, Польша учун эса Марказий Осиёдаги саноат хомашёси бисёр, ислоҳотларнинг тўғри йўлини танлаган, иқтисодиёти барқарор ривожланаётган Ўзбекистон билан ҳамкорликни янги поғонага кўтариш ҳар томонлама наф келтиришига шубҳа йўқ.

**Озод РАЖАБОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# «АСНАМ»ДА ИШЛАШНИ ОРЗУ ҚИЛИШАДИ

*Эгалик ҳисси*

«Аснам» — туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда Наманган шаҳрида ташкил этилган қўшма корхоналардан. 1995 йил 18 ноябрдан ўз фаолиятини бошлаган корхона асосан пахта толасидан ип-калава ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Олмонияда ишлаб чиқарилган замонавий дастгоҳлар ўрнатилган цехларда 600 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Ҳозирги кунда бу ерда тайёрланаётган қарийб жами маҳсулотлар тўлалигича хорижга экспорт қилинаётир. Бу эса мамлакатимизга валюта тушумини киритишда муҳим омил бўлмоқда.

Шуни айтиш ўринлики, корхонада ишчи-хизматчилар учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, бепул тушлик ташкил этилган бўлиб, ишчи ходимларнинг ишга бориб келишлари учун автоуловлар ажратилган. Жорий йилнинг ўзида транспорт харажатлари учун 10 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 45 минг сўм бўлиб, муҳими у ўз вақтида бериб борилаётир. Бу ерда маошлар учун пластик карточка ташкил этилганлиги боис ортиқча муаммоларнинг юзага келишига йўл қўйилмаяпти.

— Қўшма корхонада ишчиларнинг меҳнат қилишлари ва дам олишлари учун имкониятлар етарли, - дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Гавҳарой Абдуллаева. — Хусусан, Меҳнат қонунларида белгилаб қўйилган имтиёзлардан ташқари, корхона маъмурияти ва касаба уюшмаси билан тузилган жамоа шартномасига асосан мана шу муассасада узоқ вақт ишлаганлиги учун 2-6 кунгача ҳамда иш жойларини аттестациядан ўтказиш якунига асосан 4-11 кунгача қўшимча таътиллар қўшиб берилмоқда.Шунингдек, зарарли омилларда ишловчилар учун республика давлат «Эко-Био» синов лабораторияси томонидан 48 та иш ўрни аттестациядан ўтказилди. Бу мақсадлар учун жами 2850 минг сўм маблағ сарфланди. Бошқача қилиб айтганда, зарарли муҳитда ишлаётганлар ойлик иш ҳақларига 20 фоизгача қўшимча ҳақ тўланиши белгиланди.

Корхонада 15 йилдан ортиқ ишлаган ишчи имтиёзли нафақага чиқарилади. 8 нафар ишчи «Атлас», «Ниҳол» сиҳатгоҳларида бўлиб қайтишди. 20 нафардан ортиқ ходим эса тармоққа қарашли дам олиш масканига юборилди. Барча харажатлар корхона ҳисобидан қопланди. Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўтказилаётган хайрия тадбирларига ҳам катта ҳисса қўшиб келмоқда. Йил давомидаги ҳар бир байрам алоҳида кўтаринкилик билан нишонланмоқда. Байрамларда ҳар бир ишчи мукофот билан тақдирланади. Корхона қарамоғидаги кам таъминланган, ночор оилаларга эса моддий ёрдам кўрсатилади. Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан бир гуруҳ пенсионерлар байрам дастурхонига таклиф этилди. Мўътабар қарияларнинг уйларига бориб, совға-саломлар топширилди. Бундан ташқари ҳар бир ходимнинг оилавий аҳволидан, иссиқ-совуғидан хабар олиб турилади.

Корхона ишчи-хизматчилари ободонлаштириш ишларида ҳам фаол қатнашишмоқда. Хусусан кўкаламзорлаштириш ишларига 7 миллион сўм маблағ сарфланди. Ҳар бир ишчи-ходимнинг спорт билан бевосита шуғулланиши учун барча шароитлар мавжуд. Шу боис футбол, шоҳмот-шашка турлари бўйича ташкиллаштирилган спартакиадаларда корхона спортчилари муваффақиятли қатнашишмоқда. Бу ерда ўзбек футболининг 90 йиллиги ва корхонанинг 7 йиллиги муносабати билан цехлараро спартакиада ҳам ўтказилди. Хуллас, корхонада спортни ривожлантириш учун касаба уюшма аъзолик бадалларининг 20 фоиздан зиёдроғи сарфланмоқда.

Излаган имкон топади, деганларидек, корхонанинг имкониятлари йилдан-йилга ортиб бораётир. Айни кунларда Наманган туманидаги «Шаханд» қишлоғида ўн йиллардан буён ишламай ётган фабрика биноси ўрнида янги «Ас-шах» трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган яна бир қўшма корхонани ишга тушириш учун саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Шу мақсадда ҳозиргача 20 миллион сўм маблағ сарфланди. Бунёд этилаётган корхона хорижий технологиялар билан жиҳозланмоқда. У ишга тушгач, 100 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

**О.ЭРГАШЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**







# БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

Косон туманидаги «Дониёр ота» фермер хўжалигининг ташкил этилганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамасдан, хўжалик оёққа туриб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда бошқаларга ўрнак кўрсатиб келмоқда.

— 30 гектар майдонда деҳқончилик қилаяпмиз, — дейди фермер Самар Очилов. — 10 гектар ғалла майдонида кўзланганидан зиёд ҳосил етиштирдик. 15 гектар пахта майдонидаги ҳосилдорликни 40 центнерга етказмоқчимиз.

Бундан ташқари хўжалик аъзолари 12 гектар мевали боғдан ноз-неъматлар етиштиришаётир. Фермер ташландиқ бинони таъмирлаб, «Нуроний» чойхонасини ташкил этганида барча қувонди. Кексаларни бир пиёла чойга таклиф этиб, уларнинг оқ фотиҳаларини олган фермер ҳозирги кунда мурувват ишларини амалга ошираётир.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

**Суратларда:тракторчи Шерзод Очилов; фермер Азамат Очилов етиштирилган мевалардан қувонмоқда.**

## КОРХОНАНИНГ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ

Тошкентда «Совпластитал» қўшма корхонасининг қиймати 1 миллиард сўмлик корпоратив облигацияларини муомалага чиқарилишига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди. 29 фоиз йиллик даромад берувчи облигацияларнинг айланма муддати бир йил.

Қимматли қоғозларни чиқариш Халқаро эмиссия синдикати ва унинг ишчи органи «Carthill asset management company» компанияси томонидан ташкил этилди. Хусусий «Бизнес банк» кафил вазифасини ўтамоқда.

«Совпластитал» корхонаси рангли шиша, чинни, сополдан 7000 турдаги маҳсулот ишлаб чиқаради. Бундан ташқари қўшма корхона Россия ва АҚШда савдо уйлари тармоғига эга.

Корхонада ўрнатилган замонавий, асосан хорижий технологик ускуналар ҳар йили 10 минг тонна хомашёни қайта ишлашга мўлжалланган.

Корпоратив облигацияларни муомалага чиқариш ва жойлаштиришнинг халқаро ва мамлакатимиз тажрибаси облигация қарзлари воситасида молиявий ресурсларни жалб қилиш самарадорлигини кўрсатади.

**(ЎзА).**

# КЕКСАЙГАНДА КАМ ҚИЛМАСИН

*Шукрона*

Инсон кексайган чоғида кимнингдир эътиборига, мурувватига суяниб қолади. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, ушбу йилнинг Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилинишида катта маъно бор. Қайси жамоага борманг, кексаларимизга бағишланган тадбирлар ўтказилаяпти. Ёши улуғларга иззат-икром кўрсатилаяпти. Бу хайрли ишлардан бизнинг қўмитамиз тармоқлари ҳам четда тургани йўқ. Вилоятимиздаги мавжуд 28та автотранспорт корхоналари,24та автомобил йўллари бошқармалари ҳамда шу соҳаларга тегишли бўлган ўқув даргоҳларида ишлаб нафақага чиққан 1439 нафар фахрийлар ҳамиша эътиборимизда бўлмоқда.

Фахрийларимизнинг ҳар бир куни файзли ўтиши учун турли тадбирлар уюштирилмоқда. Айниқса, нуронийларимизнинг ёшлар билан тез-тез учрашиб тураётганлиги катта самара бераяпти. Фарғонадаги 3-автокорхона, 9-автобус саройи, Қўқондаги автойўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармаси, Олтиариқ,Боғдод, Риштон,Данғара туманлари автомобил йўллари бошқармаларида бўлиб ўтган бундай учрашувларда фахрийларимиз ўзлари бошлаган ишлар ишончли қўлларда эканлигини ҳис этиб, мамнун бўлишди.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида 1269 нафар нафақахўрларга 3497100 сўм, «Меҳр саховат» уйларига 138000 сўм миқдорида ёрдам кўрсатилди. Қўқондаги 10-автосаройда 20 нафар фахрийлар маҳаллий газеталарга бепул обуна қилинди. 55 нафар кексаларга вилоятимиз ҳудудидаги сиҳатгоҳларга бепул йўлланмалар берилди. Фахрийларнинг 250 нафари «Фарғонатурист» ҳиссадорлик жамияти ва «Ҳавосайёҳ» жамоаси кўмаги билан «Самарқанд-Тошкент»,«Бухоро-Самарқанд» йўналиши бўйлаб саёҳатга юборилди.

Тармоғимиздаги ташкилотларда кексалар, пенсионерлар, ногиронларнинг дам олиш, хайрия кечалари,-концерт ва бошқа маданий-оқартув тадбирларида иштирок этиши одатий ҳолга айланган.«Моҳир ҳайдовчи»,«Ёшлар устози» тармоқ унвонлари совриндорлари сафини кўпайтириш учун муайян ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда беш нафар илғор ва тажрибали ишчиларимизни «Меҳнат фахрийси» унвонига номзод қилиб кўрсатдик. Қарилик гаштини сураётган кексаларимизга барча шарт-шароитларни яратиб беришда Фарғона шаҳридаги 3 ва 9-автокорхоналар,Қўқондаги 10-автосарой, Фарғона ва Қўқон шаҳарларидаги автомобил йўлларидан мунтазам фойдаланиш бошқармалари ҳамда Фарғона туманидаги автомобил йўллари бошқармаси касаба уюшма қўмиталарида мақтовга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда.

Эътиборнинг катта-кичиги бўлмайди.У ҳар қандай кўринишда ҳам инсонни қайноқ ҳаёт сари етаклайди. Вужудига куч-қувват беради. Ушбу ҳикматни теран англаган ҳолда бундан кейин ҳам тармоғимиздаги меҳнат фахрийларининг доимо меҳр оғушида бўлишига эришиш учун астойдил ҳаракат қилаверамиз.

**Абдуқобил КАЗАКОВ,**
**Фарғона вилоят автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.**

*Излаган имкон топади*

## ДАРОМАДГА ЯРАША

Давр ҳар бир кишидан имконият излаб ишбилармонлик билан меҳнат қилишни талаб этмоқда. Қаердаки ишга омилкорлик билан ёндошилса, шу ерда самара ҳам бўлмоқда.

Оққўрғон туманидаги «Султонобод» ширкат хўжалиги юқори натижаларга эришиб келаётган илғорлар сирасига киради. Бинобарин, бу ерда меҳнаткашларнинг манфаатдорлиги ҳар доим биринчи ўринга қўйилади. Шу боис ҳам ютуқлар изидан ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бу ҳақда хўжалик касабақўм раиси Тиллабек Очилбеков шундай дейди:

— 2002 йил биз учун ғоят баракали келди. Пилла ва буғдой ҳосилидан улкан хирмон бунёд этишга муваффақ бўлдик. Етиштирилган 1259 тонна буғдойнинг 713 тоннаси давлатга сотилган бўлса, 165 тонна буғдой ғаллакорларимизга тарқатилди. Умуман, меҳнаткашларимизни ҳар доим моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга ҳаракат қиляпмиз. «Даромадга яраша буромад» деганларидек, олинган фойда ҳисобидан илғорларни рағбатлантириш билан бирга, кам таъминланган оилаларга ҳам имкон қадар ёрдам қўлини чўзяпмиз. Хусусан, Қарияларни қадрлаш йилида ана шундай хайр-саховат тадбирлари учун салкам 600 минг сўм маблағ сарфланди. Хўжаликда 753 гектардан иборат экин майдонларининг 54 нафар оилавий пудратчи ва 63 нафар фермерга шартнома асосида бўлиб берилганлиги, улар манфаатдорлигининг ошганлиги барча соҳаларда режа ва мажбуриятларнинг ортиғи билан адо этилишига замин бўлмоқда. Масалан, бу йил 279,5 гектардаги буғдойдан дастлаб 42 центнердан ҳосил кўтариш мўлжалланган эди. Омилкорлик билан иш юритиш натижасида Ортиқ Юнусов, Нуриддин Шерматов, Ихтиёр Дадабоев, Баҳодир Алматов сингари лафзи ҳалол миришкорлар эса ҳар гектар майдондан 60 центнерга яқин ҳосил олдилар. Шунингдек, хўжаликда шоли, полиз ва сабзавот экинлари етиштиришга ҳам эътибор қаратилмоқда.

«Султонобод» хўжалиги ҳудудидаги 6 та қишлоқда 3800 нафар аҳоли истиқомат қилади. 2 та мактаб ва битта болалар боғчаси, бир неча маиший хизмат кўрсатиш нуқталари улар хизматида. Туман қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ҳам хўжалик ҳудудида жойлашган. Бунёд этилганига уч йил бўлган мазкур билим масканига 40 гектар майдон тажриба ер участкаси сифатида ажратиб берилган.

Дарвоқе, хўжалик жорий йилдан бошлаб лизинг асосида янги қишлоқ хўжалиги машиналари ола бошлади. Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар. Демак, келгуси йил ҳосили мўл, демакки, манфаатдорлик — фаровонлик даражаси ҳам янада ортади.

**Комила БОЙМУРОДОВА,**
**«Ишонч» мухбири.**

# «АЛП ЖАМОЛ БАНК» МИЖОЗЛАР ХИЗМАТИДА

***Мустақиллик йилларида мамлакатимизда хусусий акциядорлик- тижорат банкларининг фаолияти кенг йўлга қўйилди. Тўрт йилдан буён фаолият юритаётган «Алп Жамол Банк» хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки ана шундай молия муассасаларидан. «Ахбор рейтинг» компанияси маълумотларига қараганда, мазкур банк ўзи мансуб кичик гуруҳда энг юқори даромадли банк деб тан олинган.***

- Кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш асосий вазифаларимиздан бири,- деди «Алп Жамол Банк» бошқаруви раиси ўринбосари Жалил Ҳайдаров ЎзА мухбирига. - Мижозларимизнинг 2,5 минг нафари жисмоний шахс, 650 хўжалик юритувчи субъектдир.

Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида ўрта ва кичик бизнес вакиллари учун банкимиз томонидан 1 миллиард 191 миллион сўмга яқин кредит ажратилди. Бундан ташқари, имтиёзли кредитлаш фондидан 14 тадбиркорлик субъектига кредит берилди.

Аҳоли бўш маблағларини жалб этиш банк фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада банкимизда беш номдаги омонат тури жорий этилган бўлиб, бугунги кунда муддатли омонатларнинг миқдори 250 миллион сўмга етди. Хориж валюталарида қабул қилинган омонатларга юқори фоизлар тўланяпти.

Айни пайтда Money Gram тизими орқали мижозларга хизмат кўрсата бошладик.

**(ЎзА).**

***Бойлик қанчалик бисёр бўлмасин, ундан тежаб-тергаб, келажакни ўйлаб фойдаланиш ақли расо кишилар шиоридир.***

*Масала кўндаланг қўйилади*

# ГАЗ ТАРМОҒИГА НОҚОНУНИЙ УЛАНГАН

Қашқадарё мамлакатимизга нефт, газ хом ашёси етказиб бераётган асосий вилоятлардан бири ҳисобланади. Хўш, ушбу вилоятда юқорида қайд этилган долзарб масалаларга қай тахлитда ёндошилмоқда. Таъкидлаш жоиз, вилоят ҳокимлигининг саъй-ҳаракати билан коммунал соҳада ислоҳотлар изчил амалга оширилаяпти. Газ ва сув ўлчов асбоблари ўрнатилганлиги табиий бойликлар исрофгарчилигининг олдини олишда муҳим рол ўйнамоқда.

Бахтга қарши баъзи корхона ва ташкилотларда стандарт талабларига жавоб берадиган хавфсиз ускуналардан фойдаланилмаётганлиги панд бермоқда. Жумладан, Муборак газ қувурлари тармоқ ишлаб чиқариш бошқармасида бундай камчиликлар кўпроқ кузатилмоқда. Маълум бўлишича, корхона мутасаддиларининг айби билан газда ишлайдиган 6 та транспорт воситаларидаги ёнилғи сақловчи мосламалар махсус синовдан ўтказилмаган. Оқибат-натижада нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда. Боз устига, катта сиғимли идишлардаги 8000 литрдан ортиқ бензин давлат стандартларига мос эмаслиги аниқланди.

Баъзи жойларда ҳамон талабчанлик етишмаяпти. Назоратнинг сустлигидан кимлардир фойдаланишмоқда. «Ўздавнефтгазинспекция» ходимлари томонидан ўтказилган текширишларда катта миқдордаги дизел ёнилғиси мақсадга мувофиқ ишлатилмаганлиги маълум бўлди. Хўжасизлик ва лоқайдлик учун бошқармага 1 миллион 323 минг сўм жарима солинди.

Вазирлар Маҳкамасининг ёнилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун иқтисодий жазоларни қўллаш тўғрисидаги қарорида исрофгарчилик ҳолатларига қонуний тарзда чора кўриш лозимлиги таъкидланган. Шунга қарамасдан Косон автомобил йўллари бошқармасида, Китобдаги «Варганза» хўжалигида , «Нурландиёр» хусусий фирмасида ҳам ёнилғи ва мойлардан мақсадга мувофиқ фойдаланилмаган. Табиийки, бундайлар жаримага тортилдилар.

— Жарима билан иш битмайди, — дейди «Ўздавнефтгазинспекция» вилоят бўлими бошлиғи М.Шодиев. — Аввало кишиларда масъулият ҳиссини мустаҳкам қарор топтириш лозим. Ҳар бир киши билсинки, исрофгарчилик аввало унинг ўзига, қолаверса, давлатга қимматга тушади. Чамаси бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантириш керак. Илғорлар тажрибаси оммалаштирилса янада яхши.

Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг ўрин берилган. Бироқ, баъзи кишилар бу эркинликни, яратилаётган имтиёзларни нотўғри тушуниб, эгри ишларга қўл урмоқда. Мисол учун, Қарши шаҳридаги «Ал Исломбек» хусусий фирмасида ностандарт қурилмалар ўрнатилган тандир, газ плитасига «зангори олов» ўзбошимчалик билан улаб олинган. Ноқонуний хатти-ҳаракат фирмага қимматга тушди. У 130 минг 291 сўм жарима билан «сийланди». Вилоят марказидаги «Тархуш» хусусий фирмасида газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш одат тусига кирган экан. Қаранг, учар тадбиркорлар ўз билганларича учта қўлбола тандир қуриб, анчагина газни «ҳазм» қилиб юборишибди. Хусусий фирма бунинг учун 1 миллион 107 минг сўмни қуртдек тўлаб қўйишга мажбур бўлди.

Ноқонуний ишлар, қонунни менсимаслик ҳамиша қимматга тушади. Ёруғ юз билан яшаганга не етсин!

**Н.ТИЛЛАЕВ.**

# ОИЛА — МУҚАДДАС

## унинг тинчлигига барчамиз бирдай масъулмиз

«Оила маънавий баркамол бўлмаса, жамият маънавият чўққисига эришолмайди», деган ҳикмат бежизга айтилмаган. Зеро, жамият равнақи шу гўшада яшаётган инсонлар ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ.

Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан туман ФХДЁ ҳамда соғлиқни сақлаш бўлимлари, «Соғлом авлод учун» ҳамда «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор маънавий-маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, мунтазам равишда ўтказиб келинаётган «Соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади» деган тадбиримиз катта аҳамият касб этмоқда. Чунки бу тадбир орқали биз эмизикли боласи бор аёллар, бўлғуси оналарга она сутининг афзалликлари, яқин қариндошлар ўртасида никоҳ, ичиш-чекишнинг салбий оқибатлари ҳақида тушунчалар бериб боряпмиз. Хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун «Ҳуқуқшунос аёл» уюшмаси ходимлари кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

«Ибратли келинчак», «Мукаррама аёл», «Энг яхши оила», «Ёш оналар» каби мавзуларда кўрик-танловларнинг ўтказилиши ҳам оилада эр-хотин, қайнона-келин муносабатларини янада яхшилашга қаратилган. Саъй-ҳаракатларимиз туфайли кейинги йилларда оилаларда ажралишлар сони бирмунча камайди. Бундай муваффақиятга эришишда ФХДЁ бўлими ҳузуридаги «Оила дорилфунуни»нинг самарали фаолиятини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Қизларимизни оилага тайёрлаш мақсадида туманимиз марказида давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда «Ихлос» аёллар маркази ҳам ташкил қилинган. Марказда хотин-қизларимиз тикувчилик, зардўзлик, пазандалик ва уй ҳамшираси каби касб сирларини ўрганишмоқда. Шунингдек, мавжуд ўқув муассасалари, маҳаллаларда қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, кийиниш, сўзлашиш маданияти, миллий қадриятларни ҳаётга тадбиқ этиш юзасидан давра суҳбатлари уюштирилмоқда. Давра суҳбатларига таниқли, обрў-эътиборли онахонлар таклиф қилинмоқда.

Албатта, фаолиятимизда ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам учраб туради. Жумладан, айрим жойларда маҳалла хотин-қизлар қўмиталари томонидан сусткашликка йўл қўйилмоқда. Хусусан, никоҳгача тиббий кўрикдан ўтказиш ишларига бефарқлик билан қаралмоқда. Ушбу масалада фуқаро йиғинлари ва хотин-қизлар қўмиталари кенг жамоатчиликни жалб қилиши ва тушунтириш ишларини янада ривожлантиришлари зарур. Шунингдек, маҳаллалардаги яраштирув комиссияларининг масъулиятини ҳам ошириш керак.

**Бибисора РАЖАБОВА,**
**Шовот туман хотин-қизлар қўмитаси раиси.**

*Табиат ва биз*

Ўзбекистон Республикаси Конститутциясининг 55-моддасида ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир, дейилади.

Табиий мувозанатни сақлаш, ҳаво мусаффолигини таъминлаш, тупроқ эррозиясига қарши курашиш, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза этишда ўрмон ходимларининг хизмати беқиёс. Ғиждувон ўрмон хўжалиги ўзининг салоҳияти, иш фаолияти ва ишлаб чиқариш йўналишлари билан Бухоро вилоятида етакчи ўринни эгаллайди.

Туман ҳудуди Қизилқум чўллари билан туташиб кетган. Саҳро шамолларининг йўлини тўсиш мақсадида иҳотазорлар барпо этилди. 516 гектар май-

# ЯШИЛ ҚАЛҚОН

донда сунъий ўрмонзорлар яратилди. 15,3 гектар майдонда кўчатхона ташкил қилинган бўлиб, унда 1 миллиондан зиёд 26 турдаги мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари етиштирилади.

Ихотазорларни агротехника талаблари асосида парваришлаш, озиқлантириш ва касалликларга қарши кураш ишлари етарли даражада олиб борилаяпти. Воҳанинг қўшни Навоий вилояти билан Бухоро шаҳригача 53 километр масофадаги йўли атрофи кўкаламзорлаштирилиб,69797 дона кўчат ўтқазилди.

Бундан ташқари вилоятнинг бошқа туманлари хўжаликлари учун 100 минг туп ниҳол етказиб берилди. Ўрмончилар Бухоро шаҳрида барпо этилаётган «Ботаника боғи», марказий ўйингоҳ ва Пешку туманидаги касб-ҳунар коллежини кўкаламзорлаштириш тадбирида ҳам фаол иштирок этдилар.

Ғиждувон азалдан ҳунармандлар макони. Айни пайтда ўрмон хўжалиги ёнидаги ёрдамчи цехда маҳаллий заҳиралардан ҳар хил саватлар,кресло, ёғоч буюмлари, супурги, ғишт ва бошқа 8 турдаги уй-рўзғор буюмлари тайёрланмоқда. Йил бошидан бери 1,4 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди.

Ўрмон битмас-туганмас хазина бўлиши билан бирга табиатнинг бетакрор ноз-неъмат масканидир. Хўжаликда 126 та асалари оиласи, мингга яқин чорва моллари парваришланаяпти.

Ҳар йили режадагидан анча кўп асал, мева, узум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилаяпти. Бу ишда бўлим бошлиғи Иззат Юсупов, илғор ишчилардан Истам Икромов, Убайдулла Халовларнинг хизмати каттадир.

Сахий қуёш нурини сочаётган, зилол сувлар экинларга ҳаёт бағишлаётган она заминда яшил қалқон, бебаҳо бойлик- ўрмонзорлар кўпаймоқда.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Хабарлар оқимидан*

## КОМПЬЮТЕР СИНФИ ТОРТИҚ ҚИЛИНДИ

Янги ўқув йили арафасида қатор мактаб бинолари ҳам фойдаланишга топширилди. Тошкент вилоятининг Қибрай туманида очилган янги билим ўчоғида ҳам ўқишлар уюшқоқлик билан бошланиб кетди.

Туроб Нормухамедов номидаги ширкат хўжалигида ўғил-қизлар учун яхши совға бўлган мазкур таълим даргоҳи 620 нафар ўқувчини ўз бағрига олди. Айни вақтда у энг замонавий ўқув жиҳозларига эга бўлди. Бутунлай катта бир хона компьютер синфига айлантирилди. «Ақлли» машиналар мажмуасидан иборат компьютер қурилмалари учун Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги 15 миллион сўм пул ажратди.

Бундан ташқари мактаб мебеллар ҳамда ўқув жиҳозларига ҳам эга бўлди. Бунинг учун «ЎзСИЛМ» ўзбек-турк маърифий иттифоқ ташкилоти ҳиммат кўрсатди. Армуғон этилган мебеллар эса мактаб кутубхонасига жойлаштирилди.

## АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАРКАЗИ

Ахборот технологияларини ва телекоммуникациядан талаба ёшларга пухта билим ва амалий кўникма бериш Тошкент ахборот технологиялари университети ўқув дастурларидан кенг ўрин олган. Таълимнинг бу йўналиши бўйича ташкил этилаётган ўқув машғулотларининг янада самарали бўлишини таъминлашга чет эллик мутахассислар ҳам ўз амалий ёрдамларини кўрсатмоқдалар.

Шу ўринда Америка савдо ва тараққиёт агентлиги томонидан кўрсатилаётган саъй-ҳаракатларни айтиб ўтиш жоиздир. Агентлик яна бир ҳиммат кўрсатди. Олий ўқув юртида хотин-қизларни ахборот технологиялари ва коммуникация билимлари билан қуроллантирувчи ўқув марказини очишга агентлик бош-қош бўлмоқда.

Шу ниятни амалга ошириш мақсадида агентлик меморандум ҳужжатини имзолади.

Янги марказнинг очилиши таълим соҳасида Ўзбекистон-Америка ҳамкорлигининг яна бир ёрқин исботи бўлади.

**А.АЛИЕВ.**

## ОЛМОН МАҚОЛЛАРИ

Мақол ва маталлар халқ оғзаки ижодининг ажралмас қисми ҳисобланади. Улар авлоддан-авлодга ўтиб, сайқаллашиб боради.

Турли тилларда сўзлашувчи халқларда шакл ва мазмун жиҳатидан бир-бирига ўхшаш, бир-бирига мос тушадиган мақол ва маталлар учрайди. Улар турли тилларда турлича жарангласа-да, аммо маъно доираси бир хилдир. Масалан, ўзбек халқининг «Етти ўлчаб бир кес», «Тоғ билан тоғ учрашмайди, аммо одам билан одам учрашади» тоифасидаги мақоллари 100 дан ортиқ тилларда учраши луғатларда қайд этилган.

Олмон халқи ҳам кўплаб таъсирчан мақол ва маталларга бой. Аммо уларда воқеа, ҳодисага билдириладиган мақол ва маталлар конкретлашган ҳолда акс эттирилади. Мана намуналар:

Бой хоҳлаганини ейди, камбағал эса буюрганини.

* * *

Шифокор яшаган уйда касаллик изғиб юрармиш.

* * *

Аёлнинг муҳаббатини эркак кишининг кийимидан пайқаса бўлади.

* * *

Муҳаббатсиз юрак, гулсиз боғ.

* * *

Ака-укаси бўлмаган инсон, қўлсиз- оёқсиз инсондир.

* * *

Қизини турмушга узатган ота-она ўғилга эга бўлади, ўғлини уйлантирса уни йўқотади.

* * *

Қарз бермаган дўст, ўтмас пичоқ.

* * *

Қайси тишинг оғриса тилинг ҳам ўша ерда бўлади.

* * *

Гўшт ва балиқ бирга тановвул қилинса, умрни қисқартиради.

* * *

Бахтли инсонга чумоли ҳам ёрдамга келади.

* * *

Айтилган сўз билан отилган тошни қайтариб бўлмайди.

* * *

Агар бўри қўй ёнида турса, қўй қандай қилиб бемалол ўт есин.

* * *

Тор оёқ кийимининг азобини уни кийган кишидан бошқа ҳеч ким сезмайди.

**Немисчадан Шуҳратхон ИМЯМИНОВА таржимаси.**

## 18 Октябр — Самарқанд шаҳри куни







Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

## Термизда жасорат боғи

Термиз ҳарбий гарнизони қўмондонлиги ташаббуси билан шаҳарнинг С.Соҳибов кўчасига туташ майдонда жасорат боғи барпо қилинмоқда. Мазкур боққа Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллиги байрами арафасида асос солинган эди. Ўшанда суғориш тармоқлари қурилган, йўлакчалар тортилиб, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилганди.

Боғда шуҳрат музейи ҳам ташкил этилди. Музей экспонатлари турли даврларда аждодларимиз кўрсатган жасорат ва Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилишда фидойилик кўрсатган сурхондарёлик ўғлонлар хотирасига бағишланган.

**(ЎзА).**

# ТОШЛАРДА АКС ЭТАР ОЛАМ

*Санъат*

***Ўзбекистон рассомлар уюшмаси аъзоси, ўзбек миллий ҳайкалтарошлик мактабининг етук намояндаси Мухтор Мусабоевнинг ижоди маданиятимиз хазинасига қўшилган катта бойликдир. Нафақат бугунги ёшлар, балки келажак авлод ҳам у яратган нодир санъат асарларидан баҳраманд бўладилар. Негаки, уларда буюк бобокалонларимиз сиймоси, юртдошларимиз қиёфасининг ўзига хос руҳияти акс эттирилган.***

М.Мусабоев ўзбек ҳайкалторошлик саҳнига ўз йўли, ўз салоҳияти билан кириб келган истеъдодлардан бири. У дастлабки сабоқларини Беньков номидаги бадиий билим юртида олган. Мухтордаги санъатга ҳавас, интилиш ва қатъиятни ҳис қилган ўша пайтда билим юрти директори бўлиб ишлаган Самиғ Абдуллаев уни имтиҳонсиз рангтасвир бўлимига ўқишга қабул қилади. Кейинчалик унинг иқтидори, интилишини кўриб ҳайкалторошлик бўлимига ўтишга розилик беради.



Мухтор ўткир зеҳни, зукколиги билан устозлар меҳрини қозонади, ҳайкалтарошликнинг нозик сирларини кунт билан ўрганади. Театр ва рассомчилик институти қошида очилган ҳайкалторошлик бўлимида ўқиган йилларида ҳам инсон қалбидаги нозик туйғуларни тошда муҳрлашдек машаққатли касбни маҳорат билан ўзлаштира боради. Мустақил ижодга интилиши, миллий қиёфа излаш бўлғуси ҳайкалтарошга ўз услубини топишига ёрдам берди. Шунингдек, жаҳондаги йирик санъат ошнолари ҳисобланмиш Эрмитаж, Санкт Петербург, Москва, Пушкин музейларидаги ҳайкалтарошлик асарлари билан яқиндан танишди. У ўзининг бедор қалбидаги туғёнларга монанд акс-садони француз ҳайкалтароши Роден изланишларида кўрди. Айниқса, Эрмитаж экспонатларидан ўрин олган оқ мармардан ишланган ҳайкаллар уни ўзига ром этди. Роденнинг фантастик руҳий олами, фикрлар кўлами, фалсафий мушоҳадалари М.Мусабоев ижодида ўзига хос йўналишни бошлаб берди.

Ҳайкалтарош ижодида янги йўналиш, ўзликка, миллийликка интилиш, буюк аждодлар руҳиятидан илҳом олиш, мумтоз санъат сирларига қизиқиш, бир сўз билан айтганда, миллий руҳ кучайди. Бу ҳолат унинг «Навоий» бюсти яратилишига асос бўлди. У жаҳон ҳайкалтарошлик мактабининг энг яхши анъаналарини ўзига сингдириб, ўзбек даҳоларининг сиймоларини абадиятга муҳрлади. «Улуғбек»,«Қори Ниёзий», «Беруний» бюстларини ишлашда ҳайкалтарош улар яшаган давр тарихига чуқур назар ташлади, миллатимизнинг асл фарзандлари бўлган бу шахсларнинг ички дунёсини очишда уларнинг қиёфасига асосий эътибор берди. Шу боис Урганчдаги «Огаҳий», Самарқанддаги «Улуғбек», Нукусдаги «Халқлар дўстлиги» ҳайкаллари ўзгача қиёфа касб этди. Айниқса, ҳайкалтарош Амир Темур образини яратишда катта изланишлар олиб борди. Соҳибқироннинг суронли ҳаётини чуқур ўрганди, илмий манбаъларга асосланиб фикр юритди. «Темур тузуклари» орқали унинг адолатпарвар, миллатпарвар зот сифатида кашф этди. Тарихий далиллар орқали ҳис қилган унинг қиёфасини аввало қалбида қайта жонлантирди. Сўнгра уни қоғозларга кўчирди. Шу асосда соҳибқирон бюсти дунёга келди.

Мухтор Мусабоев ҳар бир асарни яратишдан аввал уни бутун қалби, руҳий олами билан ҳис қилади. Сўнгра ўзининг маънавий оламида ҳосил бўлган туйғуларни шу ҳайкал руҳиятига, яратган образлари қиёфасига сингдиради. «Дуторчи қиз», «Нодирабегим», «Увайсий», «Моҳина», «Қўшиқ» каби асарлар ана шундай лирик кайфиятлар ҳосиласидир. Аммо гўзал туйғуларни қаттиқ материалга кўчириш учун алоҳида иқтидор ва сабр-матонат керак. М.Мусабоев эса бунинг уддасидан чиққан. Умр-ўткинчи, ижод-абадий. У ўз асарларини ана шу фалсафага суянган ҳолда яратади. Айнан шу ишонч янада улуғвор ишларга, залворли манзилларга бошлайди.





**Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ, санъатшунос.**

*Ёшлар ўртасида Осиё чемпионати*

# ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАНДИ

Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида футбол бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионатидаги дастлабки учрашувлар бўлиб ўтди. Мусобақада Қитъанинг 12 мамлакатидан келган терма жамоалар иштирок этмоқда.

Баҳслар кескин курашларга бой бўлиши кутилмоқда. Чунки мусобақаларда дастлабки тўртта ўринни қўлга киритган жамоалар келгуси йили Бирлашган Араб Амирликларида ўтказиладиган Жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи йўлланмани қўлга киритадилар. Мутахассислар бу йўлланмалар учун баҳслар асосан Саудия Арабистони, Хитой, Корея, Япония ҳамда мезбонлар Қатар футболчилари ўртасида бўлиб ўтишини тахмин қилмоқдалар. Бироқ футбол шунчалар мўъжизакор ўйинки, башоратлар ҳар доим ҳам тўғри чиқавермайди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси гуруҳдаги илк учрашувни таиландлик тенгқурларига қарши ўтказди. Ўйинни кўтаринки руҳда бошлаган Виктор Борисов шогирдлари рақиблари дарвозасига тўртта жавобсиз тўп киритиб, ажойиб ғалабага эришди. Биринчи бўлимда Александр Гейнрих ҳисобни пеналтидан очган бўлса, Элдор Магдиев, Шавкат Саломов, Музаффар Ҳолиқовлар жамоамиз ғалабасини йириклаштирди.

Футболчиларимиз бугун кореялик тенгқурларига қарши майдонга тушадилар.

**А.ЮНУСОВ.**

# КИТОБЛАР ТАҚДИМОТИ

Миллий матбуот марказида таниқли журналист Тошпўлат Раҳматуллаевнинг "Матбуот ва демократия" ҳамда "Эркин фикр парвози" деб номланган китобларининг тақдимоти ўтказилди. Муаллиф 1997 йилда чоп этган мақолалари учун республикамизда "Йилнинг энг яхши журналисти" танлови ғолиби бўлган. Мазкур китоблар Конрад Аденаур жамғармаси кўмагида чоп этилди.

Китобда таниқли журналист Тошпўлат Раҳматуллаевнинг оммавий ахборот воситаларининг жамиятда тутган ўрни, жамият ҳаётининг барча томонларини демократиялаштиришда матбуот, радио, телевидениенинг аҳмиятига бағишланган мақолалари тўпланган. Мақолалар кейинги йилларда марказий ва маҳаллий матбуотда, жумладан, "Моҳият", "Ҳуррият", "Фидокор", "Самарқанд" газеталарида чоп этилган. Улар ўтмиш ва уни ўрганиш, демократик жамиятда сайловларнинг ўрни, маҳаллий бошқарув тизимини такомиллаштириш каби кўплаб долзарб мавзуларни қамраб олади. Бир қатор мақолаларда жамиятимиз равнақига тўсиқ бўлаётган камчилигу нуқсонлар танқид остига олинади.

Т. Раҳматуллаев БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси профессионал журналистлар учун ташкил этган энг яхши мақола танловилари ғолибидир. 2001 йилда "Жамиятда сиёсий партияларнинг роли" мавзуига бағишлаб Конрад Аденауэр жамғармаси томонидан ўтказилган танловда биринчи ўринни эгаллади. 2002 йилда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда "Очиқ Жамият Институти – Кўмак жамғармаси - Ўзбекистон" ташкилоти томонидан 3 май – Жаҳон эркин матбуоти куни муносабати билан ўтказилган энг яхши мақолалар танлови ғолиблари қаторидан ўрин олди.

Газета мақоласи фақат бир кун яшайди, дейилади одатда, - деди педагогика фанлари доктори, профессор Юсуф Абдуллаев "Туркистон-пресс" мухбирига. – Лекин барча мақолалар газетада чоп этилган кунининг эртасидаёқ эскириб қолади, деб таъкидлаш ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди. Ушбу китобда тўпланган мақолаларни ўқиб чиқиб, бунга амин бўлиш мумкин.

**"Туркистон-пресс".**

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма Марказий ва шаҳар қўмиталари «Подъёмник» АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Турғун Ҳолмуратовга онаси **РАҲИМА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон савдо, умумий овқатланиш, матлубот корпорацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касаба уюшма Марказий Қўмитаси Самарқанд вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитасининг раиси Фарида Аҳатовага падарибузруквори **ТЎРАҚУЛ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширди - 22.25

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9730 Буюртма Г— 919. 1 2 3 4 5 6